

Курсида ўтириб намоз ўқиш узрли ҳолатми?



12:00 / 05.05.2019 21946

Бугунги кунда масжидларимиз хонақоҳларида бир ёки бир нечта курсилар (стуллар) қўйилганини кўриб қоламиз. Бу курсилар бирор узр сабабли намозни тик туриб ўқий олмайдиган, шунинг учун ўтириб намоз ўқийдиган биродарларимиз учун қўйилган бўлади. Одатда қувват йўқлиги, беморлик ва шу каби узрли сабаблар туфайли намозхонларимиз курсига ўтириб намоз ўқийдилар. Бироқ, намозни ўтириб ўқиш учун узрли ҳолатларнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари бор, фақиҳ уламоларимиз бу масалаларни ҳам чуқур ўрганиб, уларга оид ҳукмларни батафсил баён қилишган. Келинг, ана шу ҳукмларни яна бир бор эслайлик.

Курси Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг замонларидан аввалда ҳам, саҳобалар, табаъа тобеъинлар замонларида ҳам бор эди. Уларнинг даврида жангу жадаллар кўп бўлган. Кимнингдир оёғи кесилиб, қиёмга

қодир бўлмаган, кимнингдир бели синган, кимнингдир боши жароҳатланиб, сажда қила олмаган. Шундай бўлса-да, уларнинг бирортаси курсида ўтириб намоз ўқигани ривоят қилинмаган. Уларнинг барчалари ерга ўтириб намоз ўқиганлар. «Ал-муъжамул авсат» китобида шундай дейилган:

هللا لوسر لاق : لاق رمع نبا نع ، عفان نع ، نَعُ هَلَلَا يَضَرَّ رمع نب هللا دېبع نع
مل نمو ، دجسېلف دجسې نأ مكنم عاطتسا نم " : ملسو هيلع هللا يلص
ئموي هوجسو هعوكر نكلو ، هيلع دجسېل ائيش هتهبج يلإ عفري الف عطتسي
هسأرب "

Табаронийнинг «Ал-муъжамул кабир» китобида Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларидан бири бемор бўлганида уни кўришга бордилар. Мен у зот билан бирга эдим. Унинг ҳузурига кирсак, олдига бир ёғочни қўйиб, пешонасини унга қўйиб намоз ўқиётган экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ишора қилган эдилар, у ёғочни ташлаб юбориб, ёстиқни олди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам **«Қўй уни. Агар ерга сажда қила олсанг, шундай қил. Қила олмасанг, ишора қилиб ўқигин, саждангни эса рукуъингдан пастроқ қилгин»**, дедилар.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг замонларидан тортиб, мутааххир фуқаҳоларнинг замонигача бирорта фақиҳ «курсида ўтириб намоз ўқиш» деган масалани баён қилган эмас. Чунки намоз улуғ бир ибодат бўлиб, банда бу ибодатда Роббининг ҳузурида ўзининг ожизлиги, синиқлигини, хорлигини изҳор қилади. Курсида ўтириш эса иззат ҳисобланади.

Агар бирор сабаб туфайли одам умуман ерга ўтира олмаса, унинг курсида ўтириши мустасно. Чунки ўтиришга ожиз бўлган кишига ётиб намоз ўқишга рухсат берилган. Ночор ҳолатдагина курсига ўтириб, ишора билан намоз ўқишга ижозат бор. Масалан, жарроҳлик амалиётидан сўнг фақатгина курсида ўтириб ўқиш қулай бўлса, ана шундай мажбурий ҳолатлардагина бунга ижозат берилади. Лекин бемор одам масжидга ўзи юриб келса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам беморликларида ўтириб намоз ўқиганларидек ўтиришга қодир бўлса, сафни текис қилишдек вожиб амалга хилоф қилиб, сафдан олдинга ёки орқага ўтиб кетиш жоиз эмас. Чунки курсида ўтиргани учун сафдан орқароқда туриб, кейинги сафда турган кишининг сажда қиладиган жойини эгаллаб олиши ёки сафдаги ўрнини бўш қолдириб, сафдан олдинга чиқиб ўтириб олиши

мутлақо жоиз эмас.

1. Ким бирор узри ёки беморлиги туфайли тик туришга қодир бўлмаса, ёки тик тура олса ҳам, йиқилиб тушиши мумкин бўлса, ёки ҳолати шаръан узрли деб баҳолайдиган даражада ночор бўлса (ҳозик, моҳир, тажрибали мусулмон шифокор «Тик турсангиз, дардингиз зиёда бўлади ёки соғайишингиз кечикади» десагина ҳолатни шаръан узрли дейиш мумкин), ёки тик турганда чидаб бўлмайдиган оғриқ турса ёки боши айланса, бу ҳолатларнинг барчасида ўтириб намоз ўқиш жоиз.

Бу ҳақида «Дуррул мухтор»нинг муаллифи қуйидагиларни келтиради:

وَبَرَّضَ مَا يَقُولُ ابْنُ هَدَّادٍ وَوَيْقِي قَح (ضَرَمَل) هَلْ كَيْ أَمَّا قَوْلُ الْعَلَمَاءِ لَعَلَّ رَدَّ عَن نَم (وَأَيْضًا رَفَلُ أَيْ (أَهْيُ وَأَهْلُبَق) يَتَّفِي ادعاق ىل ص ..أدي دَش أَمَلْ أَمَّا قَوْلُ دَجْ وَوَأَسْ أَرَّ نَارُودْ وَأَمَّا قَب

Бир кишининг намоздан олдин ёки намоз ичида (фарз намозида) касаллиги зиёда бўлса ёки тик тургани учун дардининг тузалиши кечикса (бу ҳолатнинг охириги чегараси тик турса зарар етишидир, шунга фатво берилган), боши айланса ёки тик турса қаттиқ оғриқ тургани учун (каби ҳукмий касаллик сабабли) тик туриши узрли бўлса, ўтириб ўқийверади.

Қиёмни соқит қилувчи узрлар

Қиёмни икки нарса соқит қилади:

* тик туришга умуман қодир бўлмаса.

* тик тура олса ҳам, ҳозик табиб туришни ман қилган бўлса ёки тик тургани учун касали кучайса, боши айланиб йиқилиши мумкин бўлса ёки касалининг тузалиши кечикса ёки қаттиқ оғриқ турса.

2. Тик тургани сабабли пайдо бўладиган оғриқ енгил бўлса, чидаса бўладиган даражада бўлса, шаръан ўтириб ўқишга узр бўла олмайди. Бу ҳолатда ўтириб ўқиган намоз дуруст бўлмайди.

مَا يَقُولُ كَرْتُ زَوْجِي أَلْ عَشْمُ عَوْنُ هَقْلِي نَكَلُو (رَكَدْ أَمْ بِي) كَلْذِكْ نَكِي مَلْ نِإُو (ةِي أَخْرَاتَاتِ).

أَمْ رَدَّقْ بَ أَمْ وَزُلْ (مَاق) طِيَّ أَحْ وَأَصْعَ لَعَائِكْ تُمْ وَوَلُو (مَا يَقُولُ لَعْبَ عَرَدَّقْ نِإُو لَكُلْ لِبَابِ رَبِّ تَعْمَ ضَعَبْ لِنَالِ بَدَمَّ لَعَائِكْ تُمْ وَوَلُو رَدَّقْ وَوَلُو رَدَّقِي

Агар бундай (яъни юқорида зикр қилингандек) бўлмаса, аммо бирор машаққат етиши мумкин бўлса, ўтириб ўқиш жоиз бўлмайди («Татархония»).

Агар (ҳассага ёки деворга суяниб бўлса ҳам) озгина туришга қодир бўлса, (имкони борича, ҳанафий мазҳабига кўра бир оят ёки бир такбир миқдорича) тик туриб ўқийди (чунки озгина миқдорда туриш ҳам тўлиқ туриш ҳисобланади).

Қиёмга қодир бўлмаса

3. Ким юқоридаги сабаблар туфайли тик туришга қодир бўлмаса, лекин ўтирган ҳолда рукуъ, сажда қилиб намоз ўқишга қодир бўлса, ерга ўтирган ҳолда рукуъ ва сажда билан намоз ўқийди. Бундан бошқа суратда ўқиш жоиз эмас.

دو سجود و ركوباً ادعاق ة بوتكم لى لى صى ه ن ا ف ، دوع ق ل ل ا لى لى ع ر د ق و د و م ا ي ق ل ل ا ن ع ز ج ع ن ا و ،
(ة ن ا خ ر ا ت ا ل ل ا ل ا ل ك ل ذ ر ي غ ه ن ج ي ا ل و) .

Тик туришга имкони бўлмай, ўтиришга қодир бўлса, фарзларни ўтирган ҳолда рукуъ ва сажда қилиб ўқийди. Бундан бошқача суратда ўқиш жоиз эмас («Татархония»)

4. Бир одам ўтирган ҳолда рукуъ ва сажда қилиб намоз ўқишга ҳам қодир бўлмаса, ўтирган ҳолда ишора билан ўқиши фарз бўлади, бундай одам сажда ишорасини рукуъ ишорасидан пастроқ қилади. Ўтирган ҳолати ташаҳхуд ҳолатида бўлиши шарт эмас. Қандай ўтириш ўзига қулай бўлса, шундай ўтираверади.

ل ع ج و ، ا م ي ا ب ا د ع ا ق ي ل ص ي ه ن ا ف د و ع ق ل ل ا لى لى ع ر د ق و د و ج س ل ل ا و ع و ك ر ل ل ا ن ع ز ج ع ن ا و
ظ ع و ك ر ل ل ا ن م ص ف خ ا د و ج س ل ل ا

Рукуъ ва саждага қила олмаса, фақат ўтиришга қодир бўлса, ўтирган ҳолда, саждани рукуъдан пастроқ қилиб, имо-ишора билан ўқийди.

5. Бир киши ўзи ўтира олмаса, лекин девор, одам ёки бошқа бирор нарсага суяниб ўтиришга қодир бўлса, суянган ҳолда намоз ўқиши шарт, ётиб олиб ўқиши мумкин эмас.

وأطئاحى لادنتسم وأ، أئكتم هىلع ردقو، أوتسم دوعقلا ىلع ردقى مل اذإ
انخيشم لاق: هللا همحرى ناولحللا عمئال سمش لاق، كلذ هبشأ ام وأ، ناسنإ
ىلصى نأ هئزى ال، أئكتم وأادنتسم ادعاق ىلصى نأ عىزى: هللا م همحر
اعجطضم

Тўғри ўтиришга имкони бўлмай, деворга ёки бирор одамга ёки шунга ўхшаш нарсаларга суяниб ўтира олмаса, бу борада Шамсул Аимма Ал-Хулваний роҳимахуллоҳнинг айтишича, машойихларимиз «Суянган ҳолда ўтириб ўқиши жоиз бўлади. Ётган ҳолда ўқиши эса жоиз эмас», деганлар.

Ўтиришга ҳам қодир бўлмаса

6. Агар одам ҳар қандай ҳолатда ҳам ўтиришга қодир бўлмаса, ётган ҳолида, ишора билан намоз ўқиши фарздир. Бунда бемор икки оёғини қибла томонга узатиб, қодир бўлса икки тиззасини бир оз буккан ҳолда, рукуъ ва саждани боши билан ишора қилиб ўқийди. Бош томонини бир оз кўтариб қўйилса, юзи осмонга қараган бўлмайди. Шунингдек, юзини қиблага қаратган ҳолда ўнг ёки чап ёнбоши билан ётиб ишора билан намоз ўқиса ҳам бўлади.

(ةَلْبِقُولَا وَحَنُّهَالَجَرَو) هِرَهَط ىلَع (اَيَقْلَتَسْمُ اَمَّوَا) اَمْكُحْ وَّلَو (دُوْعُقْلَا رَزَعَتْنِ اِو
اَرِيَسِي هَسْ اُرْعُفَرِي وَةَلْبِقُولَا ىلَلْ لَجْرَلْ دَمَ ةَهَارَكْلَه يَتْبُكُرُ بَصْنِي هَنَّ اُرْيَغ
لَضْفَا لُّوَالَاو) اَهْ اِلْ اِهْ هَجَّوَو رَسِي اِلْ اِوَا (نَمِّي اِلْ هَبْنَج ىلَعْ وَا) اَهْ اِلْ اِهْ هَجَّوَو رِي صَيَل
راتحمللا دردمتغمللا ىلَع

Бирор нарсага суяниб ўтиришнинг ҳам имкони бўлмаса, чалқанча ётиб, оёқларини қибла тарафга узатиб, тиззаларини бир оз кўтариб, юзи қиблага юзланиши учун бошини бир оз кўтариб ўқийди. Ёки ўнг ёки чап тарафига ёнбошлаб юзини қиблага қаратиб, имо-ишора билан ўқийди. Биринчи сурат афзалроқ («Роддул Муҳтор»).

Беморлардан бошқалар оёғини қиблага узатиб ётиши танзиҳий макруҳдир.

Намоздаги қиём ва қаъданинг таърифи. Юқорида «тик туриш» ва «ўтириш» сўзлари ишлатилди. Тик туришнинг миқдори ҳақида уламоларимиз қуйидагиларни айтганлар: **«Қиём** деб инсоннинг қадини тик тутишига айтилади. Бунда бир оз эгилишнинг ҳам зарари йўқ, лекин бу нарса рукуънинг энг паст даражада адо бўладиган миқдорига етмаслиги керак». Тик турган киши 90 даражада эгилса, тўлиқ рукуъ қилган бўлади, 45 даражадан ўтиб эгилса, рукуънинг энг оз миқдори бўлади. Бунда

қўлини ёзса, тиззага етадиган бўлади. 45 даражадан камроқ эгилса тик турган (қоим) ҳисобланади.

أَلَدَّتْ عَمَّ بِأَصْتِنَالِا وَهِيَ الصَّلَاةُ يَفْعَلُ عَرَشَ بَوْلِطَمَلِا مَايَقُولُ أَنْ يَلْعَنَ أَهْلَ قَوْلِا قَفَاتِا
هِيَ دِيْدَمٌ وَلِثِيْحَبْ عَوَكْرَلِا لِقَأَى لِبَرْقَأْ هَلْعَجِيْ اَلْيَدِا لِيْلِقْلِا ءَانْحَالِا رَضِيْ اَلِ
هِيَ هَقْفَلِا ءَعُوسُومَلِا . هِيَ بَكْرَلِا لِيْ اَلِ

Фуқоҳолар «Намозда шаръий талаб қилинган тик туриш - мўътадил тўғри туришдир. Бунда қўлни чўзганда тиззага етмайдиган даражада бир оз эгилишнинг зарари йўқ» деб иттифоқ қилишган («Мавсуъатул-фиқҳийя»).

Қаъда деб ҳаммамиз биладиган оддий ўтиришга айтилади. Аллома Косоний қаъдага таъриф бериб, «Инсон танасининг белдан паст қисми букилиб, орқанинг ерга тегиши қаъда деб аталади», деганлар.

Ерга ўтирган ҳолида бошини ерга қўйиб сажда қила оладиган киши курсига (стулга) ўтириб намоз ўқиш жоизми?

Баъзи одамлар тик туришга қодир бўлмаса ҳам, ўтириб сажда қилишга қодир бўлса, курсида ўтирган ҳолларида ишора билан сажда қилишлари жоиз эмас, чунки пешонасини ерга теккиза оладиган кишига ишора билан сажда қилиш кифоя қилмайди.

Фуқоҳоларимиз саждага таъриф бериб, «вазъур-роъси ъалал-ард», яъни «бошни ерга қўйиш» деганлар. Баъзилар «тасвиятул-аълаа маъал-асфал», яъни «бошни оёқ билан тенг қилиш», дейишган (бош оёқдан бир фишт баробарича кўтарилса жоиз). Курсига ўтириб сажда қилувчилар мана шу фарзни тарқ қилган бўладилар. Бундай ҳолда ўқилган намозни қайта ўқиш шарт («Аҳсанул фатаво»).

Савол: Энгашса қон босими ошиб кетадиган одам ишора билан сажда қилса бўладими?

Жавоб: Ундай кишилар бошларини ерга қўйиб сажда қила олмаганлари учун курсига ўтириб, ишора билан сажда қилишлари жоиз.

Рамазон Бутий роҳматуллоҳи алайҳ интернет орқали қилган савоб-жавобларида ўтириб намоз ўқиш ҳақида шундай деганлар: «Курсида намоз ўқишда асосий эътибор шуки, ҳозик, ишончли, намозхон табиб ўтириб ўқишга ижозат берган бўлиши, беморга ерга ўтиришни тақиқлаган бўлиши керак. Агар тик туришни тақиқлаган бўлса, аммо ерга ўтириб рукуъ қилиш,

ерга сажда қилишни ёки ишора билан сажда қилишни тақиқламаган бўлса, ерга ўтириб намоз ўқиши вожибдир. Бундан бошқача ҳолатда намоз ўқиши жоиз эмас».

Ибодатларда бошқа дин вакилларига ўхшаб қолиш

Курсига ўтириб ўқишда насороларнинг ибодатхонасидаги ҳолатга ўхшаб қолиш хавфи ҳам бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ибодатларда аҳли китобларга ўхшашдан қаттиқ қайтарганлар.

Такбири таҳрима учун қиём шартдир

Одатда курсига ўтириб ўқийдиган кишилар юриб келиб, курсига ўтириб, сўнг қулоқ қоқиб, намозга киришадилар. Такбири таҳриманинг шarti эса намозга тик турган ҳолда киришишдир. Бу ҳолатда мана шу шарт бажарилмай қолади.

ءاوس ، مايقول لىلع رداقلا قح يف مايقول لىل اءلا ح يف ءجوي نأ ري بكتلا ءحص طرش ولو ، اعراش ري صي ال ماق مء اءعاق ربك ول ىءح ، ايءءقم وأ اءرفنم وأ امام إناك يف ءعبءي مء امءاق ربكي نأ يف بنى ءوعقلا وأ ءوجسلا وأ ءوكرلا يف مام إءءج و اعراش ري صي ال ءي ءل نك رلا يف ءاءءف ال ل ربك ولو ، ءي ءه ءل نك رلا . ءي ل ءرءقلا عم امءاق ري بكتلا مءءل .

Имом учун ҳам, ёлғиз намоз ўқиётган одам учун ҳам, иқтидо қилган одам учун ҳам такбири таҳриманинг шarti шуки, қиёмга қодир бўлган одам тик туриб такбир айтиши керак. Бундай одам ўтирган ҳолида такбир айтса, намозга кирган ҳисобланмайди. Имом рукуъ, сажда ёки қаъдада бўлса, намозга янги қўшилаётган одам такбирни тик туриб айтиб, кейин имомга эргашиши шартдир. Имом саждада ёки қаъдадалигида унга иқтидо қилган одам ўтириб олганидан кейин такбир айтса, намозга киришган бўлмайди, чунки у қиёмга қодирдир («Бадоиус саноиъ»).

Қиёмга қодир бўлишнинг миқдори

Бир киши ҳассага ёки деворга суяниб бўлса ҳам тик тура олса, намозда ана шундай туриши шарт, чунки қиём фарздир, қўлни киндик остида боғлаш эса суннатдир. Фарзни адо қилиш учун суннатни тарк қилиш жоиз. Бир-икки оят ўқилгунча қодир бўлиб, қолганига қодир бўлмаса ҳам, шунча миқдор тик туриш фарздир.

رءقي ام رءق ب اموزل (ماق) طءءا ح وأ اصع ىلع اءكءم ولو (مايقول لىل صعب ىلع رءق نإ و بءءملا ىلع ءري بكت وأ ءي آ رءق ولو ،

Агар ҳасса ёки деворга суяниб ўқишга қодир бўлса, қодир бўлган миқдорича тик туриб ўқиши шарт. Агарчи бир оят миқдори ёки унга ҳам ярамаса, такбири таҳримани айтиш миқдорича бўлса ҳам.